ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КЕГЕЙЛИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

230500, Кегейли шаҳарчаси Гарезсизлик кўчаси, 4 уй
тел.: (8 361) 412-24-39 факс: (8 361) 412-14-39

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
КЕГЕЙЛИ РАЙОНЫ ҲӘКИМИНИҢ
ШЕШИМИ

230500, Кегейли посёлкасы Гәрезсизлик көшеси, 4 жай
тел.: (8 361) 412-24-39 факс: (8 361) 412-14-39

№481-05

«11 »- Май 2018-йил

«Бозатаў» давлат урмон хўжалигига қарашли (тассаруфидаги) урмонзорларда ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Туманда экологик муҳитни яхшилаш ва урмонзарликни кўпайтириш, ёнғиннинг барвақт олдини олиш, унга қарши курашишни кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси «Ўрман тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999й., 5-сон, 122-модда)си 32- моддаси ва Қорақалпоғистон Республикаси «Урмон тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддаларига мувофиқ, туман атрофидаги урмонзорларни ёнғиндан асраш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конуни 6-моддасига асос

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. «Бозатаў» давлат урмон хўжалиги ўрмон фонди атрофида 2018-йил 10-март ойидан бошлаб 2018-йил 1-декабрь ойигача «Урмонзорларда ёнғин хавфсизлиги мавсуми» деп белгилансин.

2. Қорақалпоғстон Республикасининг «Урмон тўғрисида»ги Қонунининг 39-моддасига асос туман атрофидаги урмонзорларда ёнғин хавфининг олдини олиш, ҳайвонат ва ўсимликлар дунёсини ёнғин хавфидан асраш бўйича 2018- йилда амалга оширилиши белгиланган асосий чороа-тадбирлар қўшимчага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими (Д.Уббиниязов), Бозатаў давлат урмон хўжалиги (А. Ерназаров), ёнғинни учириш бўлими, табиятни асраш бўйича давлат қўмитасининг тумандаги вакили, деҳкон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларига урмонзорларда ёнғин хавфининг барвақт олдини олиш, ҳайвонат ва усимликлар дунёсини ёнғиндан асраш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилсин.

4. Урмонларда ёнғин пайда бўлишига сабабчи бўлган қишлоқ хужалиги ташкилотлари ва фермер хўжаликлари бошлиқларига қттий интизомий жазо чоралари кўрилиши бўйича огоҳлантирилсин.

5. Урмонда пайдо бўлган ёнғин сабабини аниқлаш ва бу бўйича оператив хабарларни туман ҳокимлигига ўз вақтида етказиб бериш бўйи

жавобгарлик «Бозатаў» давлат урмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

6. Кегейли туман ҳокимининг 2017-йил 15-апрелдаги 272-04-сон қарори «Кегейли турмысы» газетаси, 2017-йил 17-апрель, 7-сон (6147) ўз кучини ёқотган деп хисоблансин.

7. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг «Кегейли турмысы» газетасинда расман жорий қилинсин ва ҳокимлик веб-сайтинда жойлаштирилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Д. Уббиниязов зиммасига юклатилсин.

9. Қарор матбуотда расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучига киради.

Кегейли тумани хокими:- **М. Абдиров**

KO'SHIRMESI DURIS